



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДБИЁТИ

4/2022

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ҲАМЗА ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

“Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шохимардоннинг қора баҳори”¹ номли мақоласида Наим Каримов шоир вафотига оид маълумотлар вақти-вақти билан йўқотилиб тургани, унинг ўлими сирли равишда содир этилгани ҳақида ёзиб, сирлар мустақиллик туфайли очилишига ишонч билдириб, давлат ва жамият олдига Ҳамза ҳаёти, ижоди, вафотига доир ҳақиқатларни очиш вазифасини қўйган эди.

1999 йилда “Тафаккур” журналининг 3-сонида Н.Каримовнинг “Ҳамза Тошкентда”² номли навбатдаги мақоласи эълон қилинган. Унда Ҳамзанинг Тошкентга келиши, Тошкентда унинг дастлабки жадидчилик фаолиятининг бошланиши, жадидлар Собиржон ва Шокиржон Раҳимийлар, М.Абдурашидхонов, А.Авлонийлар билан қизгин ҳамкорлик қилгани ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Озод Шарафиддиновнинг “Ижодни англаш бахти”³ номли китобининг “20–30-йиллар жадид адабиёти” сарлавҳали бобида Ҳамза драматургияси ҳақида қуйидаги маълумотларни ўқишимиз мумкин: “20-йилларда жадид драматургиясининг энг фаол, энг атоқли намояндлари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ва Ҳамза Ҳакимзодалар бўлган эди. 20-йилларда Ҳамза ҳам жадидона руҳдаги драмалар яратди. Булар “Кахрамон ўғиз”, “Фарғона фожиалари”, “Мухторият” каби асарлардир. Улар мазмунан шўро адабиётининг қолипларига тўғри келмайди, шунинг учун шўро адабиётшунослиги бу асарларга кам аҳамият берди, уларни ғоявий чалкашликда, ўтмишни идеаллаштиришда айблаб, шу билан таҳлилни мухтасар қилиб кетаверди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, негаки объектив таҳлил давом эттирилса, Ҳамза – совет адабиётининг асосчиси тарзидаги образга доғ тушиб қоларди. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, Ҳамзанинг “Тухматчилар жазоси”, “Ким тўғри?”, “Майсаранинг иши”, “Ҳолисхон” каби машҳур асарларини ҳам совет драматургиясининг эмас, жадид драматургиясининг намуналари деб қараган маъқул, чунки уларда ҳам социалистик реализмни ташкил қилувчи бирон белгини кўрмаймиз – драматург ҳаёт ҳодисаларини холислик билан атрофлича тасвирлайди, зўрма-зўраки ва сунъий характерлар яратмайди, инсонни инсоний жозибадан маҳрум қилувчи синфий сифатларга ва характеристикаларга мурожаат қилмайди”⁴. Мана бу Ҳамза драматургияси ҳақидаги холис фикр.

2010 йилда Шермуҳаммад Амонов “Ҳамза шеърятининг манбалари, матний тадқиқи”⁵ мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, филология фанлари

¹ Каримов Н. Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шохимардоннинг қора баҳори // “Ёшлик”. 1991, 10-сон.

² Каримов Н. Ҳамза Тошкентда // “Тафаккур”, 1999, 3-сон, 84-бет.

³ Шарафиддинов Ш. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: “Шарк”, 2004.

⁴ Ўша китоб, 162-бет.

⁵ Амонов Ш. Ҳамза шеърятининг манбалари, матний тадқиқи. Номзодлик диссертацияси. – Тошкент, 2010.

номзоди илмий даражасини олган. У мустақиллик даврида ҳамзашунослик йўналишини янги қараш ва маълумотлар билан бойитган илмий ишдир.

2013 йил “Жаҳон адабиёти”нинг 3-сонида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг “Ҳамза – ишқ одами”⁶ номли мақоласи чоп этилган. Турон ҳарбий театри бадиий раҳбари ва бош режиссёри Сайфиддин Мелиев “Маданият.Уз.” расмий каналига Ҳамза тўғрисида берган интервью берган. Ҳар икки режиссёрнинг айтишича, ўзбек драматургиясида Ҳамзагача ва ундан кейин ҳам Ҳамзадек драматург дунёга келган эмас.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида бир қатор адабиётшунос олим ва ёзувчилар Ҳамза ижодига янги нуктаи назар билан қарай бошлаганлар. Жумладан, О.Шарафиддинов “Истибод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир”, У.Долимов “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий”, Й.Солижонов “Ҳақиқат излаган адиб”, У.Ҳамдам “Ҳамза ва янги ўзбек адабиёти” номли илмий мақолаларида Ҳамза шахсияти ва адабий сиймосига ҳеч қандай мафкуравий таъсирларсиз ҳаққоний баҳо берганлар.

О. Шарафиддинов “Истибод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” номли мақоласида Ҳамза ҳақида қуйидаги ҳақиқатларни ёзади: “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек маданиятининг йирик намояндаларидан бўлиб, Абдулла Кодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Боту, Ғулом Зафарий каби атоқли санъаткорлар билан бир сафда туришга муносиб ижодкор. Ҳамза ҳам улар каби халқнинг миллий уйғонишида, янги ўзбек адабиётини барпо этишда катта жонбозлик кўрсатган ва улар каби мустақил тузумнинг қурбони бўлган. Бугунги мустақиллик мафкураси кечаги кунда эришган маънавий ютуқларимиздан механик тарзда кўз юмишни тақозо этмайди, кечаги маданият ва адабиёт намояндаларидан юз ўгиришни талаб қилмайди, аксинча, маънавий-маданий меросимиздаги ҳар қандай бойликни авайлаб-асрамоғимиз, ҳар қандай ёрқин сиймони эҳтиёт қилмоғимизни талаб қилади. Шу сиймолар қаторида аслида Ватан равнақи учун курашган, кейин ўзи беҳабар ҳолда шўро адабиётининг яловбардорига айлантирилган Ҳамза Ҳакимзода ҳам бор”⁷. Бу Ҳамза қисматига берилган ҳаққоний баҳодир.

У.Норматов ҳам Ҳамза ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлган адиб эканлигини таъкидлайди: “Ҳамза ижодида шўроларни мадҳ қилмаган, лекин ўз ўрнига эга асарлар ҳам кўп бўлган. “Майсаранинг иши” номли асарида ҳеч қандай мафкура йўқ. Кейин “Захарли ҳаёт” деган асарлари мактаб дарсликларига киритилган. Ўша вақтда Совет даврини улуғламаган бирорта ёзувчи бўлганми?! Лекин Ҳамзани идеаллаштириш деган нарса бўлган. Совет даврида ҳар тарафлама ошириб - тоширишган”⁸. Олимнинг ёзишича, Ҳамзанинг “Ниҳоний” таҳаллуси билан битган ғазалларида тарғибот деган нарса йўқ, инсоний туйғулар ифодаланган.

Афсуски, Ҳамза шахсияти ва адабий сиймосини оқлаш учун жон куйдириб ёзилган шундай мақолалардан кейин ҳам Ҳамзани қоралаш тамойиллари тўхтамаган. Адолатсиз, мантуксиз муносабатлар ҳам юз берган.

2014 йил “Халқ сўзи” газетасининг 23 август сонида М.Қуроновнинг “Тарихий ҳақиқатни қарор топтириш – муҳим маънавий вазифамиздир” номли мақоласи

⁶ Йўлдошев Б. Ҳамза – ишқ одами // “Жаҳон адабиёти”, 2013, 3-сон.

⁷ Шарафиддинов О. Истибод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир // Ижодни англаш бахти, 131-бет.

⁸ https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2014/08/140825_criticism_on_khamza.

эълон қилинган. Маколада муаллиф олимларнинг Ҳамза ҳақидаги фикрларини инкор этиб, бир катор уларга қарши мулоҳазаларни илгари суради. 2016 йил 12 октябрда адабиётшунос олим Й.Солижонов интернет саҳифаларида эълон қилган “Ҳақиқат излаган адиб” мақоласида ҳамзашуносликдаги бўхтонлар ҳақида шундай ёзган: “XX асрнинг 10-йилларидан 30-йилларигача Ҳамза ҳаётда ҳам, ижодда ҳам, маърифатпарварлик соҳасида ҳам, жадидчилик ҳаракатида ҳам ниҳоятда фаол бўлди, элга танилди. Вафотидан кейин эса ўн йиллар давомида шахс сифатида ҳам, ижодкор кифоасида ҳам унутилди. Ҳеч ким уни эсламай қўйди. 40-йиллардан бошлаб бирданига янги ўзбек адабиётида биринчи “инқилоб куйчиси”, социалистик реализм методининг асосчиси деб тан олинди ва кўкларга кўтарилди. 90-йилларга келиб, Ҳамза “Яша, Шўро!” деб инқилобни куйлагани, “Бой ила хизматчи” драмасида революционер Гофир образини яратгани учун айбдор деб топилди ва унинг номини адабиёт тарихидан ўчириб ташлашга чакириқлар янгради”⁹.

2018 йил 25 февралда адабиётшунос олим, ёзувчи У.Ҳамдам “Ҳамза – янги ўзбек адабиёти” номли мақоласида у ҳақида қуйидаги ҳақиқатларни ёзади: “Ҳамза – серкирра ижодкор. Умуман, серкирралик жадид ижодкорларининг аксарига хос. Ҳамза – улуғ драматург, Ҳамза – анъана ва новаторликни бирлаштирган шоир, Ҳамза – бошловчи носир, Ҳамза – ўткир публицист, Ҳамза – мохир педагог, Ҳамза – миллий композитор, Ҳамза – оташин нотик, Ҳамза – режиссёр, Ҳамза – театр арбоби...”¹⁰. У мақоласида яна: Алишер Навоий ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси, Абдулла Қодирий ўзбек романчилик мактабининг асосчиси деган номга қанчалик ҳақдор бўлса, Ҳамза ўзбек драматургиясининг асосчиси деган номга шунчалик ҳақдор деб ёзади.

2019 йилда Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Қўқон давлат Педагогика институти олимлари ҳамкорликда Республика илмий-амалий конференциясини ўтказганлар. Конференция ўтказилгунга қадар қилинган илмий тақиқотлар ва конференцияда ўқилган илмий мақолалар китобида мустақил Ўзбекистон олимлари Ҳамза Ҳақимзода ижодига мафкуравий чекловларсиз баҳо берганлар.

2019 йилнинг 29 мартида Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг 130 йиллигига бағишлаб Россия давлатининг Оренбург шаҳрида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилган. Халқаро конференция Россия давлатининг Оренбург шаҳрида ўтказилиши ва Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий юбилейига бағишланиши Ҳамзага бўлган юксак халқаро эътирофни исбот этади. Қолаверса, ўзбек халқи ва ўзбек адабиётига бўлган хурматни ифода этади.

Хуллас, ҳамзашунослик янги юксалиш босқичига кўтарилмоқда. Унинг бетакрор ижоди чинакам илмий тақиқотларга муносибдир. Чунки Ҳамза нафақат ўзбек халқи, адабиёти ва санъатининг фаҳри, балки жаҳон халқлари адабиёти тарихида ҳам ноёб феномен ҳисобланади.

⁹ Солижонов Й. Ҳақиқат излаган адиб \\\ Адабиёт хийбони. – Фарғона, 2020. 65-бет

¹⁰ Ҳамдамов У. <https://daryo.uz/k/2018/02/25/hamza-yangi-ozbek-adabiyoti-asoschilaridan-birimi/>

РЕЗЮМЕ. Макола Мустакиллик даврида Хамза ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши масалаларига бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена вопросам изучения жизни и творчества Хамзы в годы независимости.

RESUME. The article is devoted to the study of Hamza's life and work during the period of independence.

Таянч сўз ва иборалар: хамзашунослик, давр, мафкура, жадидчилик, драматургия, макола, таҳлил.

Ключевые слова и выражения: хамзаведение, эпоха, идеология, джадидизм, драматургия, статья, анализ.

Key words and word expressions: Hamza studies, era, ideology, modernism, dramaturgy, article, analysis.

Олимжон ЖУМАБОВ

РАМЗИЙ ТАСВИР ИМКОНИЯТЛАРИ

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Киова қуёши” номли ҳикояси “Тулистон” журналида чоп этилиши билан катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эди. Адиб хотираларида ҳикоянинг ёзилиши билан боғлиқ қайдлар учрайди: “Табиат ва инсон” мавзуга доир манбаларни титкилайвериб, Америкада бизонларга кирон келтирилгани ҳақидаги хотираларни ўқиб қолдим. Ўша таассуротлар тўлкинида “Пенсильван бизонининг тугатилиши” номли ҳикоя ёзгандим. Кўп қайта ишладим уни”¹.

Ҳикояда умумий микёсда дастлаб воқеа, инсоннинг табиатга етказётган зарари, колаверса, бир тур ҳайвонларнинг ер юзидан қирилиб кетиши ва инсониятнинг унга муносабатига доир хулоса ясалган. Хотираларининг кейинги қисмидаги куйидаги жумлалар фикримизни бироз ўзгартиради. Яъни сўнг ҳикояни “Қуёш сўнмайди” деб номладим. “Мурод ака (Мурод Хидир таъкид бизники. – О.Ж) ҳикоянинг номини “Киова қуёши” деб қўйишни маслаҳат берди”².

“Киова қуёши” ҳикояси номининг туғилиши ҳам ўша даврдаги мамлакатимизда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларга боғлиқ. Совет тузуми ҳам миллий анъаналаримиз, кадриятларимизга қирғин келтириб, ягона “совет-одами”ни яратишга уринган бир даврда унга қарши курашиш аввало адабиёт ва зиёли одамларнинг бурчи ҳисобланарди. Шу боис унинг рамзий-мажозий маъноси аудиторияга катта таъсир этарди.

Ўша даврда жуда кўплаб адабиётшунослар ва олимлар, зиёлилар томонидан ҳикояга катта баҳо берилади. Жумладан, Х.Даврон ёзади: “Роппароса 35 йил аввал ёзилган “Киова қуёши” ҳикояси ўша давр адабий иқлимида катта шов-шувга сабаб бўлганини эслайман. Бу ҳодиса ҳикоянинг бадиий жиҳатидан кўра, ўша даврда табу бўлган ҳурлик, босқинчилик ва ёвузлик

¹ Х у р ш и д Д. Изхор. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2021, 544-бет.

² Ўша манба, 548-бет.

МУНДАРИЖА

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги

Н.Маҳмудов. Усмон Носир шеърлятида сўз.....	3
Х.Ҳамидов. Усмон Носир ижодининг Туркияда ўрганилиши.....	9

Тилшунослик

Р.Давлатова, Н.Мусаева. Болалар квазидиалогик нутқида адресант ва адресат.....	13
Ф.Мусаева. Диалектал номинацияда ономотоплар.....	19

Адабиётшунослик

Р.Баракаев. Лев Толстой асарларининг ўзбек тилига илк таржималари.....	26
Э.Очилов. Навоий ва Огаҳий.....	36
Г.Қурамбоева. Бахтиёр Назаров ва қорақалпоқ адабиёти.....	46

Илмий ахборот

И.Исмаилов. Огаҳийнинг тарихий-адабий асарлари бадиияти хусусида.....	51
А.Муҳаммадиев. Муҳйининг форсий девони.....	56
Й.Раҳматов. Навоий рубойларида қўлланган мақоллар хусусида	60
Б.Мамедов. Бадиий таржиманинг баъзи муаммолари.....	65
С.Русгамий. Атоуллох Ҳусайний эънот санъати ҳақида.....	68
И.Саймуратова. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин.....	71
Б.Шукурова. Эстетик идеал талқинида муштараклик ва ўзига хослик.....	76
А.Давронов. Мустақиллик даврида Ҳамза ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши.....	80
О.Жумабоев. Рамзий тасвир имкониятлари.....	83
М.Ҳафизова. Эркин Воҳидов арузнавис шоир сифатида	86
Ф.Сафаров. Ўзбек тилида эганинг ифодаланиши.....	89
У.Йигиталиев. Бир бош бўлакчи гаплар семантикасида “шахс” актантининг ифодаланиши.....	93
А.Уралов. Морфологик бирликларда тежаш принципи ва унинг кўринишлари.....	98
М.Сайдалиева. Исм кўйишда социолингвистик омиллар.....	104
Ж.Ўрозов. Лингвокриминалистика амалий тилшуносликнинг йўналиши сифатида.....	110
Ш.Алпанова. Матннинг прагмасемантик ва психосемантик тадқиқи.....	112
Н.Маҳмудова. Бирикма шаклидаги коммуникация терминлари.....	116
Ш.Қаландаров. Халқ мақолларининг лингвокультурологик талқини.....	119
Д.Эшмуродова. Синтактик сатҳда изоморфизм.....	122
Н.Шукруллоҳ ўгли. Икки изофа изоҳи.....	126

Фанимиз заҳматкашлари

Н.Маҳмудов, А.Бердиалиев, Э.Очилов, А.Худойодов, Ражаб Хидиров.....	127
---	-----

Илмий ҳаёт

Аҳмад Абдуллаев.....	130
Одилжон Бозоров.....	132